



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 7 август, № 156 (4566)

Пайшанба

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир



17 йил
Президентимизнинг шу йил 28 майда қабул қилинган «2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори импорт ўрнини босувчи экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини берди. Бунинг «Ўзбеккиммаш» очик акциядорлик жамияти фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

МАҲСУЛОТ ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

Корхонада ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш ва Маҳаллийлаштириш дастури асосида саноат корхоналари учун турли босимли ҳаво ҳайдовчи насослар, бургулаш ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, нефть ва нефть маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган 700-5000 метр куб сизимга эга резервуарли металл конструкциялар, дастгоҳлар, нефтьгазкимё ускуналари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, зангламайдиган металлдан қошиқ, санчки, чўмич каби уй-рўзгор буюмлари, ошхона тўпламлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Улар ўзининг арзон ва сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотларнинг асосий қисми Россия, Украина, Беларусь, Қозғоғистон каби давлатларга экспорт қилинапти.



СУРАТДА: жамиятнинг илғор ишчиси Жамолiddин Ўсарбоев ҳамкасблари билан.

Сарвар ЎРМОҢОВ (ЎЗА) олган сурат.

Мамлакатимизга ташир буюрган Малайзия Бош атторнейи Тан Сери Абдул Фани Патейл раҳбарлигидаги делегация 6 август кунни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашид Қодиров билан учрашди.

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШИРИФИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилнинг октябрь ойида Малайзияга давлат ташири чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида имзоланган хавфсизликни таъминлаш ва терроризмга қарши курашишда ҳамкорликка оид англашув меморандуми бу борадаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Учрашувда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, кўпга қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, замон талаблари асосида янада такомиллаштирилаётгани қайд этилди. Жумладан, 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши, қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши жон ҳақиқатини томонидан юксак баҳоланди.

Музокарада терроризм, экстремизм ва айирмачилик, наркотик воситаларнинг ноқонуний савдоси, трансмилий уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши курашишда

ўзаро ахборот алмашуви ва ҳамкорликни фоллаштириш, муассасаларо ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Малайзия Бош атторнейи (прокурори) мамлакатимизда қонун устуворлиги ва иқтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга, суд-ҳуқуқ тизимига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга юксак баҳо берди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди Тан Сери Абдул Фани Патейл. — Бугунги учрашув Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида ўзаро ҳуқуқий муносабатларни, жумладан, халқаро терроризмга ва трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилади, деб ишонилди.

Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Музокара кунинда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасида ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорликка оид англашув меморандуми имзоланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

Август ойига келиб, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан етарлича озиклантирилган, вақтида чеканка қилинган, обитобида сўғорилиб, ишлов берилган гўзаларда кўплаб гуллар кўсакларга айланмоқда.

Биологик усул — ишончли усул

Ҳозирги кунда бу ҳосил туғунчаларини янада кўпайтириш билан бирга, уларни зараркундан ва хашаротлардан ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан долзарб вазифа ҳисобланади. Шу боис биз фермер хўжалиқлари талаблари асосида мавжуд 49 та биологик усулларни ишлаб чиқарилган 558 килограмм трикограмма, 301 миллион донна бракон, салкам 780 миллион донна оптинкўз қўзи

фойдали хашаротларни етказиб бераймиз. Бундан ташқари, «Зарбдор 30 кунлик» муносабати билан 106 минг гектар майдондаги гўзани зараркундандалардан сақлаш учун курашаётган энтомолог-ҳосилотларнинг сони 200 нафарга кўпайтирилиб, масъулияти оширилди. 1780 назоратчи ҳам бу ишга жалб этилди. Натижада ҳар 2 гектар майдонга биттадан, жами 53,3 миллион донна феромон тутқич ўрнатишга му-

ваффақ бўлди. Бу борада, айниқса, Мирзаҷул туманидаги «Дўстлик» ордени соҳиббаси Г. Пашаева бошлик «Феруз-Замира» хусусий биологик лабораторияси жамоаси ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Уйлайманки, энтомолог-ҳосилотлар ва фермерларнинг ҳамкорлигида олиб бораётган ишлари ўз самарасини беради. Барча майдонларда мўлжалдаги ҳосил еттиштирилиб, шартнома режалари ошириб бажа-



рилади. Зеро, август ойи «Зарбдор 30 кунлик» деб эълон қилинишидан қуланган асосий мақсад ҳам шундан иборатдир.

Баҳодир ЖИЯНОВ,
Жиззах вилояти
Ўсимликларни ҳимоя
қилиш маркази
бош мутахассиси.

Астойдил меҳнат самара беради

Халқимиз «Асад — экинингни яса!» деган гапни беҳиз айтмаган. Чунки ҳарорат юқори бўладиган, гўза кун санайдиган август ойининг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқаси деҳқон учун ниҳоятда ғанимат ва қимматлидир.

Бу даврда агротехника тадбирлари ўз вақтида ривожланиб кетди. Экин дурқун ривожланиб, ҳосилга қўшилиб, баракали ҳирмон учун пухта замин яратилди.

Шуни назарда тутиб, биз айни кезларда ўзимизда мавжуд тракторлар, чопиқ ва арик олиш мосламалари, ОБХ пурақачиларидан унумли фойдаланган ҳолда, 50 гектар майдондаги гўза парваршишни кўри сайин авж олдираймиз. Гўза қатор ораларини юмшатиш, сўғориш ва қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундандаларига қарши кураш тадбирларини уйғун равишда амалга ошираймиз. Айниқса, тунда

«шарбат» усулида сув тарашга жиддий эътибор қаратаямиз. Буни Али Валиев, Машраб Раҳматов, Бекзод Бекназаров сингари тажрибали деҳқонларимиз жуда яхши билишади. Шу боис улар пайкалларга бир маромда обихаёт тараб, бирор жойда ҳам сувнинг қўллаб қолишига йўл қўйишмайпти. Айниқса, механизаторимиз Суннат Бакиров хушёр. Ишлов бериш жараёнида у ниҳолларга зарар етмаслиги, тули ва қўсаги тўқилиб кетмаслиги учун техника органларини ҳимоя воситалари билан ўраб, тракторини эгатлар орасида имкон қадар секинроқ ҳайдашга интиляпти. Нарғиза

Миржомол ҒУЛОМОВ,
Чиноз туманидаги «МГМ» фермер
хўжалиги раҳбари.

Водийларни яёв кезганда

Президентимиз Ислам Каримовнинг яқинда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олти ойлик якуналарига бағишланган мажлисида республика галлакорлари шайнига, айниқса, андижонликлар ҳақида айтган сўзлари элимиз қалбидан жой олди. Андижон аҳли меҳнатсевар. Бу йилгидай шариқатда галлакорлар ўз олдига кўйган мақсадларига эришди. Режалар ошириб баҳарилди. Кейинги йилларда вилоятда қилинаётган салмоқли ишлар давом этишига ишонч билдирдилар. Юртбошимиз томонидан айрилган бу фикрлар бутун вилоят аҳлини янада руҳлантириб юборди. Ҳақиқий, ҳалол меҳнат мана шундай юксак даражада эътироф этилса, ким ҳам қувонадди, ким ҳам Яратганга шукроналар айтмайди, дейсиз!

Андижон: Бунёдкорлик ва Саховат замини

Бўз — бугун биз яшаётган, умргузаронлик қилаётган бир кичик шаҳарча. У гўёки фалакдан узулиб тушган кўёшнинг бир парчаси! Ватан тушунчасини илк бор шунда англадим. Бу ер менга — Ўзбекистон! Шу ердан бошланади мен учун мамлакатимизнинг модият, маданият, маънавият ва маърифат марказларидан бири бўлган менинг жон Андижоним!

— Қанча ерингиз бор?
— 130 гектар.
— Неча гектар бугдой?
— 56 гектар.
— Пахта-чи?
— 74 гектар.
— Фалланнинг натижаси қандай бўлди?
— Гектаридан 55 центнердан бугдой олдик. Режа ошириб бажарилиди, 40 тоннасини аъзоларимга бўлиб бердим. Ўз

омборимда 20 тонна қолди. Келтирилган даромаддан 2 та чопиқ трактори сотиб олдим. Ўтган йили «Нексия» машинаси олган эдик. Яна пулимиз бор, қишлоқимиздаги кам таъминланган оилаларга, болалар боғчасини таъмирлашга кўмаклашмоқчиман. Эндиги навбат — пахтага. Ишлов беришимиз. Гўзалар баравар, ҳозир 15-20 тага-ча кўсақ бор. Сўз берганман: гектарига ҳосилдорлики 40 центнерга етказишим шарт.

Бугун жон Андижонимни яна бор кезишга қарор қилдик. Ўрмон хўжалиги ерларига етмасдан, Наманган йўналиши чорраҳасида донгдор фермер Абдумутал Маъмиралиев билан учрашдик. Сўбатимиз бошланди: — Йўл бўлсин, оғайни?
— Сув масаласида, бошкармага.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Ёшлар ҳуқуқига бағишланди


Кеча Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси — инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ажралмас қисми» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда «Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати, сиёсий партияларнинг «Ёшлар қанотлари» фаол-

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА



2008 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизнинг экспорт ҳажми 48,2 фоизга кўпайди.

Бу, аввало, фаол ташқи савдо сиёсатининг юридлилаётгани, ишлаб чиқариш субъектларининг замонавий технологик линиялар билан жиҳозланаётгани ва жаҳон андозалари даражасида юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилганининг самарасидир.

ПЕКИНДА ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

Эртага дунё нигоҳи Пекинга қаратилади. Бу ердаги 91 минг томошабинга мўлжалланган «Кун уси» Пекин миллий стадионида ХХХ ёзи Олимпиадада ўйинларнинг очилиш маросими бўлиб ўтади. Тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт мусобақаси 24 августга қадар давом этди, унда жаҳоннинг 205 мамлакатидан 10500 нафарга яқин спортчи иштирок этади.

Олимпиаданинг очилиш маросимида саксондан зиёд мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этиши мўлжалланмоқда. ХХХ ёзи Олимпиадада ўйинларини Пекинда ўтказиш тўғрисидаги қарор Халқаро Олимпия қўмитасининг 2001 йил 13 июль кунини Москвада бўлиб ўтган 112-сессиясида қабул қилинган эди.

Бу галги Олимпиада эмблемаси 2003 йил августда таъинланган бўлиб, у «Рақс тушаётган Пекин» деб аталган. Эмблема Хитой учун аънавий бўлган унсурлар — қизил ранг ва спортчи қўёфасини гавдалантирувчи «жин» (давлат пойтахти) маъносини англаштириш билан иборат.

2005 йил 11 ноябрда, яъни Олимпиада очилишига ропла-

роси минг кун қолганида ўйинларнинг рамзи сифатида «Омад болалари»ни танлашга қарор қилинди. Хитой фалсафасига кўра, Омад болалари бешта: Бэй-Бэй, Цзин-Цзин, Хуань-Хуань, Ин-Ин ва Ни-Ниллардир. Улар ўзида балиқ, паңда, олов, Тибет мийқлари ва қалдирғон сиймоларини акс эттиради. «Ягона олам — ягона ора» — бу галги Олимпиадада ўйинларининг шiori бўлди.

Маълумотларга кўра, Пекин Олимпиадаси ташқилий қўмитасининг спорт иншоотларини қуришга йўналтирган харахатлари 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Мусобақалар учун 37 та янги спорт иншооти қуриб

(Давоми 4-бетда).

МАҚСАД — ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Хабарингиз бор, яқинда матбуотда "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун эълон қилинди. Унга мувофиқ, ихтироларнинг кечиктирилган экспертиза тизими жорий этилди ҳамда уларга патентни тиклаш имконияти яратилди, шунингдек, бошқа муҳим ўзгаришлар киритилди. Ҳўш, кечиктирилган экспертиза нима ва нега зарур? Янги Қонуннинг кучга кириши билан патент бериш жараёни қандай амалга оширилади? Бу ҳақда Давлат патент идораси директорининг биринчи ўринбосари Валентина ЕРМОЛАЕВА қуйидагиларни гапириб берди:

ёки ушбу талабноманинг рақобат даражасини аниқлаш имконини беради. Кечиктирилган экспертиза жараёни, айниқса, кичик бизнес ривожини учун қулай шарт-шароитларни яратди. Чунки бунда ҳуқуқий муҳофаза олишнинг дастлабки босқичида талабнома берувчи кам маблағ сарфлайди. Бу эса унга бир неча йил давомида муаммоларини ҳал қилиши ҳамда ихтиродан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган келгуси режаларини аниқлаб олиши учун имкон яратди.

вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза бўлмаган, деб ҳисобланади. Қонунга, шунингдек, бошқа ўзгариш ва қўшимчалар ҳам киритилди. Жумладан, аввалги тахрирда тўлиқ характерга эга бўлган ихтиро сифатида муҳофаза қилинадиган объектлар рўйхати таърифи ўзгартрилди. Қабул қилинган таъриф ихтиронинг техник характери янада оидинлаштирилади. Масалан, техникавий таълим бериш, ўйинлар ўтказиш усуллари ва бошқа объектлар ҳам ихтиро сифатида муҳофаза қилинади. Бунда илмий-техника тараққиёти жараёнида яратилиши мумкин бўлган ва ихтиро сифатида муҳофаза қилинадиган объектлар рўйхати чекланмайди, балки иккита низоъда кенг тоифалар — махсуслот ва талабнома берилган объектлар кирган усул белгиланади. Мана шу йўл билан бошқа турдаги объектларнинг ихтиро сифатида муҳофаза олинишига ҳалал берадиган расмий тўсиқлар олиб ташланади. Саноат мулк объектларига муҳофаза ҳуқуқини олишни ва муҳофаза

қилинаётган объектларнинг фуқаролик муомаласига чиқарилишини тезлаштириш мақсадида патент бериш муддатлари уч ойдан ўн кунга қисқартирилди. Янги қонунга мувофиқ, патент божи тўланмай қолган ҳолларда, патент ўз кучини йўқотган санадан бошлаб патент эгасига уч йил давомида ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига патентни тиклаш ҳуқуқи берилган. Бу эса муҳофаза қилинаётган ихтиролар, фойдали моделлар ёки саноат намуналарида мавжуд бўлган салоҳиятни тўлароқ рўёбга чиқариш имконини беради. Қонун патентнинг амал қилиши вақтинча тўхтатилган даврда интеллектуал мулк объектдан вилдонган фойдаланаётган учинчи шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норма билан ҳам тўлдирилди. Унга биноан, учинчи шахс патентнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасидан фойдаланишни бошлаб қўйган ёки бунинг учун зарур ишларни бажарган бўлса, у саноат мулк объектдан ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтирмай туриб, бегараз фойдаланиши давом эттириш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бундай ҳолда патент эгалари ва учинчи шахсларнинг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш учун киритилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳар томонлама тараққиётга эришиш учун туб ислохотлар олиб боришда Ижтимоий-Иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётимизда ўзгаришлар бундай кенг қамровли ислохотлар, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилаётгани барчамизга маълум. Президентимиз раҳнамоллигида амалга оширилаётган ислохотлар фаровон ҳаётимизни таъминлашда, ўз ўрнида ҳар биримизни фазл ва ҳаракатчан бўлишга, элим деб, юртим деб, ёниб яшашга ундаётлар.

ИСЛОХОТЛАР ФАРОВОНЛИК КЕЛТИРМОҚДА

Зеро, ўтаётган йиллар "Биз нима иш қилдик, шу юрт, шу Ватанга наф бўлгилки қандай хисса қўшдик?" деган саволларга ҳар биримиздан жавоб сўрайди. Шу маънода, истиқлол даврида она-Ўзбекистонимиз чин маънода тараққий этиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг изчил сиёсати тўғрисида бугун бундан афкор оммага маълум "Ўзбек модели" деган ибора кундалик ҳаётимиздан жой олди. Буларга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ, албатта. Тарихий аждодларимизнинг мангу ҳикमतлари, сабоқлари, ибратлари-ю одоби-дан андоза олиниб, юргизиётган сиёсат замирида эгулик муссамадлар. Эгулик эса, биласиз, барча инсонийлик фазилатларининг олдидир. Ахир, ўйлаб кўринг-а, нилда эгуни бўлмас, биров бировга қайширмайди! Йўқ, албатта! Модомики, шундай экан, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳам айни шу халқимиз табиати — эгулик тўғрисида. Ҳа, ҳудди шу фазилат бизда — мамлакатимизнинг биринчи раҳбаридан тортиб оддий фуқароларнинг қўлидан мустақкам жой олган ва бу тўғрисида мулоҳазалар қўйиб ўриб туради. Истиқлол йилларида ҳаётимизга татбиқ этилаётган ислохотлар нафақат марказий ва шаҳар жойларини, шу билан бирга, қишлоқларимизни ҳам қамраб олмақда. Бу эса ҳар бир гушада, ҳатто, энг чека қишлоқларда ҳам замонавий ўқув масканлари, тиббиёт пунктлари, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Масалан, ўз худудимиз мисолида гапирадиган бўлсам, Заңгиота туманимиздаги "Эркин" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан 16 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 8 та маҳалладан иборат ушбу маҳаллада 3 та болалар боғчаси, 4 та мактаб фаолият кўрсатади. "Қаҳрамон" қишлоқдаги мухташ Озбек-оват технологияси кааб-хунар коллежида ёш йигит-қизлар замонавий илму хунар эгаллашмоқда. Шу билан бирга, коллежнинг спорт зали, волейбол, баскетбол, футбол ўйинлари ўтказишга мўлжалланган стадиони ҳам мавжуд. Истиқлолимизнинг 17 йилли-

Қонун кучга кирди

талабнома ҳақидаги маълумотларнинг эълон қилиниши барча шахсларга ихтирога ҳуқуқий муҳофаза берилганга қадар унинг моҳиятини тушунишга йўл очиб беради. Бу жараёнда талабнома берувчи йўқотишларга дуч келиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шу босис Қонунда ихтиронинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазасини назарда тутадиган норма-лар белгиланади. Вақтинчалик муҳофаза маълумотлар эълон қилинган санадан ихтиро Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган сананга анал қилади. Патент эгаси талабнома берилган ихтиронинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси даврида ундан фойдаланаётган шахсдан фойдаланишни тўхтатишни ҳамда микдори патент эгаси билан келишув асосида белгиланган бадал пули тўлашни талаб қилиши мумкин. Бироқ патент берилмаса,

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар жамоатчиликни янги техникавий ишланмалар тўғрисида текозр хабардор қилади, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга янада қулай шарт-шароитларни яратди, саноат мулк объектларидан қонуний равишда фойдаланишга патент эгалари ва учинчи шахслар манфаатларининг мувозанатини сақлаш имконини беради. Буларнинг барчаси пировард натижада фан-техника тараққиётининг ҳозирги замон шароитида инновацион фаолиятни рағбатлантиришга қаратилган.

Қобил ХИДИРОВ эъиб олди.

Ёшлар ҳуқуқига бағишланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

лари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти экспертилари, нодавлат нотариот ташкилотлари ҳамда соҳага оид мутасадди ташкилот вақиллари иштирок этишди. Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони маъмурий моҳияти, унинг ёшлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда аҳамияти катта, — дейди институт директори ўринбосари Аҳам Хамдамов. — Тадбирдан қўзланган мақсад мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётда ёшларнинг фаол иштирокни таъминлашда давлат идоралари билан бир қаторда, нодавлат нотариот ташкилотлари олдига турган устувор вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашишдан иборат. Давра сўбатида иштирокчилар томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий талаб ва қоидалари Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қатор қонунларимизда ўз ифодасини топагани, мамлакатда ёшлар ҳимояси ишончли таъминланаётгани яқдил таъкидланди. Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган вилоят идоралари комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Идоралараро комиссия йиғилиши

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вақиллари иштирок этган йиғилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлаш борасида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилингани, унга асосан бу тоифадаги жиноятларга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар ҳамда одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоялаш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича иккитаслаштирилган маюссасалар ташкил этилгани шунлар жумласидандир. Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда бутун жаҳонда одам савдоси билан боғлиқ муаммо долзарб бўлиб қолмоқда. Инсон қадр-қимматига таҳдид солаётган ушбу жиноятчилик ўз домига аёллар ва болаларни ҳам тортаётгани янада ташвишлидир. БМТнинг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2,7 миллион нафар инсон одам савдосининг қурбонига айланаётди. Таассуфки, бундай муҳид иллат бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айрими юрtdошларимиз нафс йўлида ҳар қандай қабиҳ ишдан тоймайдиган фирибгар кимсалар тўзюғига тушиб қолаётгани сир эмас. Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Т. Худойберганов, вилоят прокурори вазифасини бажарувчи А. Сангинов, вилоят меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Ф. Қосимов ва бошқалар бу борадаги вазифалар юзасидан ўз тақдир ва мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси низоми ва иш режаси тасдиқланди. М. СУЛТАЙМОНОВ, ўа мухбири.

ГУЛИСТОН МОТОЦИКЛАРИ

Гулистонда «Мунис» русумидаги мотоцикллар ишлаб чиқарила бошланди. «PANA» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси йиғув цехида тайёрланаётган мотоциклларнинг афзалликлари кўп.



СУРАТДА: корхона ҳаётидан лавҳа. Темур ҚУРБОНБОВЕВ олган сурат.

Янгилик

Қўлай, ичмам, тежамкор. 800 килограммгача юкни ташини куватига эга. — Ҳозир мотоциклларни четдан келтирилган жамловчи қисмлардан йиғилган. — дейди цех бошлиғи Лианг Ли. — Келгусида барча қисмларни Ўзбекистонда тайёрлаш йўлга қўйилади. Корхонанинг йиғув цехи усуналари Шанхайдан келтирилди. Ишлаб чиқариш-монтаж қилиш линияси тўлиқ ишга тушган, бу ерда ҳар куни 10 та мотоцикл ишлаб чиқарилади, 50 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланади. «PANA» қўшма корхонаси Сирдарё вилоятида жорий йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига ташкил қилинган тўрта қўшма корхонанинг биридир.

Давоми. Боши 1-бетда.

Машинамиз дам ўтмасдан Андижон темир йўл вокзалига етиб келди. Фермер ҳўжалиги бошлиғи халрчилаб, вилотат қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси биносига қараб йўл олди. Андижон сўнгги йилларида тамомла яшарган, яшанган бир шаҳарга айланди. Кенг кўчалар, кўп қаватли уйлар, ажойиб серфайз бо-зорлар, хилма-хил замонавий савдо-расталари. Ана унда қурилаётган «Ёшлар маркази» биноси. Кундан-кунга юз онаятган янги Андижон бу! Йўлимизни Боги Бобурга бурдик. Шундоқ қираверишда халқаро Бобур фонди раиси, фидойи инсон Зокиржон Машрабовни учратдик. Зокиржон ака секингина чорпогга ўтирар экан, гўё ҳисоб бераётгандай қилаётган ишларидан бир оз сўзлади: «15 августда мана шу сўлим майдонда Бобур Мирзо таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан элимизга ош таркатамиш. Маъражага республика санъат усталари хизматга келади. Айни пайтда Бобур Мирзо адабий-тарихий мейросига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлади. Ху-ув, анави янги бинонинг биринчи қаватида мажлислар зали қурилди, кириб кўринг? Андижон шаҳарозолик музейи ҳам шундоқгина ёнбошида бўлади. Анжуманга Хиндистон, Эрон, Афғонистон, Хитой, Америка, Россия каби ўндан ортиқ давлатдан йирик бобуршунос олимлар ва бошқа меҳмонлар келади. Боги Бобур ўз меҳмонларини кўпби олишга тайёр турибди». Мен ўзимча ичимда айтганман: бу одам мунча гайратни, шиддат, шикоятчи қайдан олган? Айрим кишилар бор, ўз ота-онаси қабрини қаровсиз қолдиради, ойда-йилда бир марта бориб, бир тутам бегона ўт-ўланни юлиб ташлашга ҳам ярамайди. Бу киши эса бутун миллат шайни учун илмон қадар курашади, дунёнинг турли бурчақлари-га замона зайли билан сочилиб кетган улуг аждодларимиз қабр-мақбараларини зиярат қилади,

Давоми. Боши 1-бетда.

минг-минг километр йўл босиб бориб, уларни қайта таъмирлайди. Кўнглимиздан кенган ўйни билгандай Зокиржон ака сўз қотди: — Мустақиллик тўғрисида бизга берилган имкон, Юртбошимизнинг ташаббуслари гайратимизни оширмоқда. Сўхбатимизга вилотат ҳокими маслаҳатчиси М. Юсупов келиб қўшилди. У киши гапни хушбағардан бошлади: «Вилотатимиз дон топ-

Давоми. Боши 1-бетда.

ган 69 та шохобча ўрнига 341 та шохобча фойдаланишга топширилганига гувоҳ бўлдик. Махсуслот ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 миллиард сўмга етган. Импорт ўрнини босган махсуслот ҳажми эса 2 миллион 681 минг АҚШ долларини ташкил қилган. Айниқса, «Ривож — Тянь Жин» қўшма корхонасида 1365 миллион сўм ҳамда «Спа-Беваринг» қўшма корхонасида 1095 миллион сўм импорт ўрнини босувчи махсуслот иш-

Давоми. Боши 1-бетда.

кечаси бўлди. Ҳамма жойда мустақиллик шўхуи ҳўмрон эди. Эртаси кун чашоҳида Избосканга кириб бордик. Одамлар билан гавжум боғда бир нафас чойқўрилик қилгач, избосканликлар фаҳри бўлиши Маданият саройида давом этаётган тадбирда қатнашдик. Юрак амри билан ўртага отилиб чиқан бир онахон гаплари ҳаммани хайратга солди: «Меҳнат билан бахт эгизик, деганлари рост. Мана шу мухта-

Давоми. Боши 1-бетда.

дир Саримсоқов, Азимжон Парпиев, ректорлар Йўлдошали Раҳимов, Қўбилжон Худойбердиев Шаҳрихон фарзандларидир. Мумтоз адабиётимиз саҳифаларида Оразий ва Хайратий каби шоирларнинг номилари ҳам муҳрланган. Навбатдаги ташрифини Қора-деб бўйларидан ястаниб ётган Балчиқ туманига. Андижонлик кекса шоир Улфатнинг (жойи жаннатда бўлсин) «Гуллар билан безанган-

Яна бир янги мактаб

Жомбой туманидаги 5-мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлайд.

«Кристалл-Самарқанд» масъулияти чекланган ишлаб чиқариш ва қурилиш корхонаси бунёдкорлари 897 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини кўнгилдагидай бажариб, мактаб биносини муддатидан аввал фойдаланишга топширишди. Абдураҳул САТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Абдурашид ГАНИЕВ, Заңгиота туманидаги «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

киши, гўё бу ёруғ оламдаги гулларнинг ҳамма хилларини билади, шекилли, сўзлай кетди: «Мана бу нав — Япониянинг, буниси — Хитойнинг, мана бу эса — Америкада ўсган экан. Бу ерда гулларнинг жуда кўп хорижий турлари бор».


«Уч булоқ» оромгоҳи бахтиёр ёшлар билан тўла. Радиокарнайлардан истиқлол, истиқбол, меҳнат ва жасорат, Юртбошимиздан миннатдор руҳдаги шеър ва қўшиқлар янграб турибди. Санъатсевар балиқчиликлар бир тан, бир жон бўлиб мустақиллигимизни тарангум этарди шу пайт. «Уч булоқ» даги халқ кайфияти ҳар қандай кўнгли қаттиқ кишини ҳам маҳлиб этар эди. Мана, кун ҳам оғиб кетди, чарчасам — чарчогимни, толиқсам — толиқганимни билмайман, шеър айтгим келади, ёзгим келади! Қўлим тўлиб-тошиб иждоҳнамга қаддам қўйдим, оқ қозғ устига тўйгуларим тўйича бошлади: «Ҳей, меннинг севимли Андижоним, сен — отамсан, сен — онамсан, мени ардоқлаб парварши қилган юртимсан! Сен ширин нон бердинг менга, жасимимга шифобахш сув бердинг, қадди-қомат бердинг, бил-лим бердинг, ақлимга эиб бердинг, ўтли илҳом бердинг, қўлимга нурилик қалам тўлақанди. Сен тўфайли улуг Чўлпон дарсхонасига кирдим. Сени севоқчи Чўлпондан ўргандим. Миллат ва Ватанини қўламоқча Чўлпондан фойхал олдим. «Кўчюк очил халқ ичига борайлик, Бутун кунчи халқ ичидан олайлик!» деб хитоб қилиб Чўлпон ахтарган йўл бугун топилди. Бу йўлни халқимизга азиз Юртбошимиз кўрсатди. Сен аша шу ёруғ йўлдан илдам бормоқдасан, Андижоним!»

Гуллар билан безангансан, жон Андижоним, Опоқ олтин пахталарга кон, Андижоним. Чинобод шаҳарчасидан Балиқчи туман марказига 2 километр қолганда «Уч булоқ» деб аталган гулшан-чаманзорга кўзим тушди. Гулчи Обиджон исмли ўрта ёшлардаги

... Бугунги Андижон боғларини, маҳалла ва гузарларини дилда бир олам завқ билан кезар эканмиз, қалбимизда гурур хислари тўлиб-тошди. Вилотатнинг бугунги қўрқу жамоли истиқлол нуридан эиб олганлиги эртанги кунга ишонч тўғрисида мустаҳкамлайди. Бу ўзгаришлар Президентимиз раҳнамоллигида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг қувончли самараларидир. Шу босидан ҳам ақдоқчилик бурч меҳнати эътироф топмоқда, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятини наёнён этмоқда. Тўлон НИЗОМ, Ўзбекистон халқ шоири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Тропик довул туфайли



Гонконг биржаси шаҳарда катта тропик довул рўй бераётганлиги сабабли савдо-сотиқ жараёнларини вақтинчалик тўхтатди.

«Associated Press» ахборот агентлиги хабарига келишича, кучли бурон тўфонга айланиши мумкин.

Эслашиб ўтамиз, Гонконг биржаси Осиё китъасида Токио биржасидан кейин иккинчи ўринда туради.

Ҳарбий вертолёт ҳалокати

Таиланд жанубидаги Яла музофотида ҳарбий вертолёт ҳалокатга учради.

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарига кўра, экипаж аъзолари ва вертолёт бортидаги олти йўловчи ҳалок бўлди.

Мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари полковниги Акра Типронинг таъкидлашича, музофотда сўнгги бир ой ичида икки-



та ҳарбий вертолёт ҳалокатга учради.

Сичуанда ер силкинди


Хитойнинг Сичуань музофотида яна zilzila содир бўлди.

Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Сейсмологларнинг таъкидлашича, zilzila кучи Рихтер шкаласи бўйича олти баллга тенг бўлган.

Табиий офат оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди. Яна 23 нафар одам турли даражада тан жароҳати олган.

Ёввойи филлар ҳужуми

Бангладеш қишлоқларидан бирига ёввойи филлар ҳужум қилди.



Маҳаллий ҳукумат вакилларининг айтишича, олти ёввойи фил қишлоққа бостириб келиб, бир неча хонадонни вайрон қилган. Бундан ташқари, бир аёл ва бола жазавага тушган жониворларнинг оёқлари остида ҳалок бўлган.

Табиятдан ювш ҳайвонлар сирасига кирувчи филларнинг бундай ҳуружи камдан-кам учрайдиган ҳолат ҳисобланади.

Жазираманинг яна бир зарари

Сўнгги пайтларда об-ҳавонинг ҳаддан зиёд исиб кетиши бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Техас университети (АҚШ) олимларининг таъкидлашича, Ер юзининг ялли исиси натижасида қишлоқ буйрағида тош пайдо бўлиш хавфи ошмоқда. Айни пайтда шифокорларга мурожаат қилаётган беморларнинг 30 фоизи шу ҳасталиқдан азият чекаётганини билдиришган. Айниқса, Алабама, Арканзас, Флорида, Жоржия ва Луизиана штатларида истиқомат қилувчи аҳолида бу касаллик кўп учрайди.



Жосусликда айбланмоқда

Исроилнинг «Шин Бет» махсус хизмати 29 ёшли Халид Кашкушни жосусликда айблаб ҳибсга олди.

«Associated Press»нинг хабар беришича, Халид Германияда тибиёт соҳасида тахсил олаётган вақтда «Хизбуллоҳ» ҳаракати аъзоси бўлиб қолган. Исроил тўғрисидаги махфий маълумотларни етказиб тургани учун у 20 минг АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти олган. Бундан ташқари, Халид Кашкуш «Хизбуллоҳ»га жосуслар ёллаш билан шуғулланганлиги ҳам айбланмоқда.

Номзодини қўйиши мумкин

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дэвид Милибэнд мамлакат бош вазири лавозимига ўз номзодини қўйиши мумкин. Бу ҳақда «The Daily Telegraph» нашри хабар тарқатди.



Бундан ташқари, Д. Милибэнд Лейбористлар партияси етакчиси ҳам бўлмоқчи. У Буюк Британия молия вазири лавозимига эса Алан Милберн номзодини таклиф этди. Эслашиб ўтамиз, Алан Милберн собиқ бош вазир Тони Блэр даврида соғлиқни сақлаш вазири эди.

Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

РЕГИСТОН – ДУНЁ ҚАДАМЖОЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

Пекин Олимпиадаси очилиши арафасида Хитой пойтахтидаги «Интернационал» меҳмонхонасининг кўрғазмалар залида «Хитойда Олимпиада ўйинлари – дунё уйғунлиги сари» мавзусидаги фотокўрғазма очилди.

Хитой халқаро дўстлик ва маданиятлар фестивали ташкилий қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган анжуманда Олимпиада ўйинларида иштирок этаётган давлатларнинг энг диққатга сазовор жойлари, рамз ва сиймолари, қадамжолари акс эттирилган суратлар намойиш этилмоқда. Эътиборлики, ҳар бир мамлакат кўрғазмага ўзининг ёрқин тимсоли ақс этган биргина суратни тақдим этиши

мумкин. Шу боис унга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон қисқа вақт ичида дунёдаги барча мамлакатларнинг энг диққатга сазовор жойлари, рамз ва сиймолари ҳақида билиб олиш имкониятига эга бўлади.

Анжуманда намойиш этилаётган қадамжолар сирасидан Ўзбекистон дурдонаси, Шарқнинг энг гўзал меъморий мажмуаларидан бири — Самарқанддаги Регистон май-



Эътироф

дони ҳам ўрин олган. Унинг тарихи ҳақида берилган маълумотномада, жумладан, шундай дейилади: «Асрлар давомида Регистон майдони Самарқанднинг маркази бўлиб келган. «Регистон» сўзи «қумли макон» маъносини англатади. Қачонлардир бу ердан дарё

оқиб ўтган бўлиб, унинг қуриши натижасида бу ерлар қумга бурканган. Мажмуага кирувчи уч мадрасанинг биринчиси XV аср бошида бунёд этилган. Унинг қурилиши ниҳоятга етганидан сўнг майдон дам олиш кунлари бозорга, байрам кунлари эса турли халқ

сайиллари ва шодиёналари ўтадиган масканга айланган».

Кўрғазмага, шунингдек, жаҳон халқларининг маданий қадриятларини ифода этувчи бошқа кўплаб суратлар ҳам кўйилган бўлиб, улар орасидан, жумладан, Афғонистондаги Будда ҳайкали ёки француз халқининг ифтихори — Эйфелъ миносари, Берлиндаги Брандербург дарвозаси, Буюк Хитой девори, Хиндистон мўъжизаси — Тож Маҳал ўрин олган.

Кўрғазмадаги барча суратлар ташкилотчилар томонидан нашр этилган махсус альбомга киритилган.

«Жаҳон» АА.

evo ТЕЗЛИКНИ ҲИС ЭТ

Korea Telecom билан ҳамкорликда

EVO БИЛАН БУТУН ОЛАМИНГНИ ЎЗГАРТИР

- Телефония
- Симсиз Интернет
- Симсиз тармоқлар

EVO тармоғи компаниямиз мутахассислари томонидан Ўзбекистонда илк бор қурилган тармоқдир. WIMAXнинг инқилобий технологиялари асосида бизнесингиз учун ишончли ва қулай таклифлар бераётганимиздан хурсандимиз.

EVO — Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида илк бор қайд этилган WIMAX 802.16d стандарти тармоғидир. 2008 йилда Тошкент шаҳрида WIMAX (802.16e) мобил тармоғи ишга туширилди.

EVO тармоғининг афзалликлари:

- **Тезкорлик** — хизматлар 3 кун ичида тақдим этилиши мумкин. Мижоз офисидан ускуналарни ўрнатиш 2 соатдан кўп вақтни олмайди.
- **Оддийлик** — ускуналар жуда ихчам, уларни офисдаги тоқча ёки иш столида жойлаштириш мумкин. Сим тортиш ёки деворларни тешишга ҳожат йўқ.
- **Ишончли алоқа** — WIMAXнинг аънавий радиоулаш технологиясидан фарқи шундаки, ландшафтнинг ўзига хослиги, дарахтлар, қўшни бинолар тўсганда, об-ҳаво шароитига қарамай, офисингиз биринчи қаватда жойлашган бўлса ҳам, база станцияси билан тўғри кўринишда бўлмаса ҳам ишлайди.
- **Хизматларнинг комплекслиги** — ускуналарнинг бир тўплами телефония, Интернетта улаш хизматларини тақдим этиш ва корпоратив тармоқларни ташкил этишга имкон яратди.
- **Мобиллик** — компаниянинг янги жойга кўчиб ўтишида (EVO тармоғи билан қамраб олинган ҳудудда) барча созлаш ишлари ва қўшимча хизматлар сақланиб қолади — алоқа аввалгидек ишлайди.

Интернет хизматимизга уланган ҳар бир мижозимиз 2ГБ ҳажмга эга бўлган электрон почта билан БЕПУЛ таъминланади.

Сиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Хизматлар лицензияланган.

www.evo.uz Тел.: (8-371) 150-21-12

Ульяновск Автомобиль Заводининг Ўзбекистондаги Расмий Дилери

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоидида ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

ЕНГИЛ АВТОМАШИНАЛАР

ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШУВЧИ АВТОМАШИНАЛАР

Фургон УАЗ-3741, юк ортши учун ҳажмли УАЗ-3909, 4x4 МРВ: никроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.

Қўшимча кабинали УАЗ-39094.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., «Халқлар дўстлиги» шк., 27-уй.

Энди Хиндистонга боришади

Жорий йилнинг 8-11 июль кунлари Португалиянинг Эвора шаҳрида «Evo» XIV аънавий халқаро мумтоз мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда «Келажак овози» танлови ғолиби Шодиёра Омонова, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатлари Ирода Мирсова, Ирода ва Юлдуз Мирсамова, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Зиёева, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Илёс Арабов бетақдор миллий санъатимиз ва Европа мумтоз тароналарини моҳирона ижро этдилар. Айниқса, дуторчи қизларимиз — дузининг ижроси мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

Истеъдодли ёшларимиз тез орада Хиндистонда бўлиб ўтадиган санъат фестивалига ҳам таклиф этилдилар.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

Чорвада компьютер назорати

Яқинда пойтахт вилоятидаги «Шаҳобиддин-Алиязди» фермер хўжалигиغا Германиядан 99 бош зотдор гунажин олиб келинди.

Улар яқин ойлар ичида насл бера бошлади. Дастлаб йилга ҳар бир сигирдан ўртача 7000-8000 литрдан сўт соғиб олинса, махсусдорлик йил сайин ошиб бораверади.

— Қорамолларни парвартиш учун шарт-шароит етарли, — дейди фермер Шарофиддин Жўраев. — Замонавий молхона қурганимиз. Унда ягона компьютер тизими яратилган бўлиб, ҳар сигирнинг кундалик ҳолати компьютерда қайд қилинади. Шунингдек, сўт соғиш аппаратининг маълумотлари, яъни сигирнинг махсусдорлиги, сутнинг ёғлилик даражаси ҳам жамланган.

Абдуғафур МАМАТОВ.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 29 февралдаги 8828-сонли ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Фаррух Нодирбек» фермер хўжалигига қарашли, Урганч тумани, Юқорибог қишлоғида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 13341,66 кв. метрни ташкил қилган, 9 номдан иборат бино ва иншоотлар мажмуаси қўйилмоқда (1-4-бостирмалар, қишки молхона биноси, ярим ёзги молхона биноси, чорвадор уйи биноси, 1-2-омборхона бинолари).

Бошланғич баҳоси — 72 522 093 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 9 сентябрь кuni соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожинов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қатнашиш истагидидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк» «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: 226-43-64.

Лицензия: ДВ 001 № 000004.

Почта маркаларини тўловчи ишқибозлар ва филателистлар диққатиغا!

2008 йил 8 август кuni XIX ёзи Олимпиада ўйинлари (Пекин — 2008)нинг очилиши муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда ушбу ёзги Олимпиада ўйинларига бағишланган, бадий гимнастика, кураш, бокс ва энгил атлетика спорт турлари тасвирланган почта маркалари ҳамда махсус хотира тамгасини ишлаб чиқарди.

Ушбу почта маркалари ва махсус хотира тамгасини сўндириш маросимининг тантанали очилиш тадбири жорий йилнинг 8 август кuni соат 10.00 да «Тошкент почта» (Шаҳрисабз кўчаси, 7-уй) биносидан ўтказилади.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ-М

ТЕПЛОПРИБОР

СИБНА

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-метр «М. Улугбек») Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

«INTEGRAL ASIA»

17" мониторли Р4 компьютерлари

Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади. «Актив инвест» кредит иттифоқи кўмағида.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/12, тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26.

Товар сертифициланган. e-mail: sale@onlineuz.net www.integr-asia.com

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

ПЕКИНДА ЖАҲОН СПОРТИ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

фойдаланишга топширилди. Олимпиада уйинлари доирасидаги мусобақалар Пекиндан ташқари яна олти шаҳарда — Циндао, Сянган, Шанхай, Тяньцзинь, Шэньян ва Циньхуандада бўлиб ўтади.

Мусобақага тайёрланиш жараёнида Ташкент қўмита «Экологик, илмий-техникавий ва гуманитар Олимпиада» концепциясини ишлаб чиқди ва жорий этди. Спорт иншоотларини қуришда инновацион фаолият ва дизайннинг энг илғор ютуқларидан, Хитой санъати, маданияти ва тарихига хос бўлган ноёб унсурлардан кенг фойдаланилди.


Олимпиада биноларини барпо этишда хитойлик муҳандислар энергияни тежовчи технологияларни жорий этиб, уларни геотермал ва қуёш энергиясида ишловчи таъминот тизимлари билан жиҳозлади.

Спорт объектларини бунёд этишга кетган харажатлар мусобақага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида қилинган чиқимларнинг бир қисми, холос. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, Хитой Олимпиада ун 40 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда маблағ сарфлаган бўлиб, унинг катта қисми Пекиндаги инфратузилма, транспорт тизими ва экологияни яхшилашга йўналтирилган.

Олимпиада Хитой пойтахтининг иқтисодий жиҳатдан янада жадал ривожланишига сабаб бўлди. Пекин статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, пойтахтнинг йиллик ўртача ялпи ички маҳсулоти 2005 йилдан буён 11,8 фоизга ўсаятган бўлиб, 2007 йилда бу кўрсат-

кич 132 миллиард долларни ташкил этди.

Пекин Олимпиадасининг яна бир жиҳати — унинг ёрқин ва ўзига хос миллий руҳга эга эканидир. Хитой — қадим цивилизация ва ўзига хос маданиятга эга мамлакат бўлиши баробарида, жаҳонда энг юқори суръатда ривожланиб бораётган давлатлардан бири ҳисобланади. 2002 йилда Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўрта-сиддаги жисмоний тарбия ва спорт ишларининг ташкилотчилиги бўлган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тасвир этилди.



Мазкур жамғарма ташкил қилинганидан буён ўтган давр мобайнида юртимизда 720 та болалар спорт муассасаси бунёд этилди ва таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун давлат ҳисобидан 104 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

2000 йилдан бошлаб мамлакатда ҳар йили ўн босқичли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Булар умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокидаги «Умид николлари», академик лицей ва касб-ўнара коллежи тарбияланувчиларининг «Баркамол авлод» уйинлари ҳамда олий ўқув юрти талабаларининг «Универсиада» мусобақаларидир.

Айтиш жоизки, катта спорт тадбирларида эришилаётган юксак марралар ушбу сазой-ҳаракатларнинг маҳсули ҳисобланади.


диган мусобақаларда иштирок этади.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарияти спортни ривожлантириш ва Олимпиада ҳаракатини қўллаб-қувватлашга катта эътибор кўрсатиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида мустаҳкам ва синовдан ўтган тизим шаклланди. 2002 йилда Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатда болалар ва ўсмирлар ўрта-сиддаги жисмоний тарбия ва спорт ишларининг ташкилотчилиги бўлган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тасвир этилди.

Мазкур жамғарма ташкил қилинганидан буён ўтган давр мобайнида юртимизда 720 та болалар спорт муассасаси бунёд этилди ва таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун давлат ҳисобидан 104 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

2000 йилдан бошлаб мамлакатда ҳар йили ўн босқичли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Булар умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокидаги «Умид николлари», академик лицей ва касб-ўнара коллежи тарбияланувчиларининг «Баркамол авлод» уйинлари ҳамда олий ўқув юрти талабаларининг «Универсиада» мусобақаларидир.

Айтиш жоизки, катта спорт тадбирларида эришилаётган юксак марралар ушбу сазой-ҳаракатларнинг маҳсули ҳисобланади.



Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Лина Черязова, Армен Багдасаров, Карим Тулагов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Артур Таймазов, Сергей Михайлов, Рустам Саидов, Александр Доктуров, Магомед Ибрагимов, Баходир Султонов ва Утирбек Хайдаров каби юртдошларимиз кишиги ҳамда ёзги Олимпиада уйинлари чемпиони ва совриндорлари бўлишди.

Эртага Пекинда очилажак ХХХ ёзги Олимпиада уйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга отланган барча спортчиларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.

ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИ КЎТАРИЛДИ

ПЕКИН. (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ хабар қилади).

Мамлакатимиз спорт делегацияси Хитой пойтахти Пекин шаҳридаги Олимпиада шаҳарчасига жойлашди.

66 гектар майдонни эгаллаган Олимпиада шаҳарчасида қирқ иккита кўп қаватли бино барпо этилди. Бу ерга 205 мамлакатдан келган ўн олти минг спортчи жойлашади.

Анъанага кўра, Олимпиада шаҳарчасининг маданий марказига айланган, расмий, маданий тадбирлар, кўргазма ва шоу-лар ўтказиладиган махсус худудда иштирокчи мамлакатлар каторида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, байроги кўтарилди.

Пекин Олимпиадасида элик саккиз нафар ҳамюртимиз спортнинг ўн беш тури — юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, таэквондо (ВТФ), оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноеда эшак эшиш,

трамполин, велоспорт-шоссе, сузиш, академик эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис беллашувларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

— Бундай ҳаяжонли маросимда илк бор қатнашмоқдаман, — дейди бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоев. — Мадҳиямиз янграб, байрогимиз кўтарилганида, қувончдан тўлқинланиб кетдим. Биз спорт оламидаги энг нуфузли мусобақада қатнашар эканмиз, Юртбошимиз ва халқимизнинг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбонов, Халқаро Олимпиада қўмитасининг президенти Жак Рогге иштирок этди.



Сирдарё томонларда

Кўй-қўшиққа қуланди

Янгиер шахридаги Маданият ва истироҳат боғида ёшлар кечаси ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги олдидан ташкил этилган мазкур тадбирда танқиди хонандалар, бадий ҳаваскорлик жамоалари ўз дастурлари билан иштирок этдилар. Кечада ёшлар ижросидаги шеърхолик, куй-қўшиқ айтишувлари қизгин давом этди.

Шундай маданий тадбирлар Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри ҳамда Мирзаобод ва Сардоба туманларида ҳам бўлиб ўтди.

М. КАРИМОВА.

Стадиондаги қулайлик

Гулистон марказий стадионда томошабинлар ўтирадиган ўриндиқлар сони 5 мингга кўпайди.

Эндиликда бу ерда ўтказиладиган спорт мусобақалари, оммавий тадбирлар ва концертларни биравақайига 20 минг томошабин беомалол кўрадиган бўлди.

Буюртмачи — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали таклифи билан ҳакамлар ва спортчилар ҳордиқ чиқарадиган, ювинадиган ҳамда машғул ўтказадиган катор қўшимча хоналар ва майдончалар ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Бўстон буви»

сиҳаттоғига марҳамат!

Фаргона вилоятининг Бешарик, Риштон, Олтириқ туманларида республика миқёсидаги «Саломатлик-Р» масъулияти чекланган жамиятга қарашли сиҳаттоғлар фаолият кўрсатмоқда. Қуни кеча улар сафига

Хизмат

Бувайда туманидаги «Бўстон буви» оромгоҳи қўшилди.

Қуркам янги сиҳаттоғда, асосан, болалар ва ўсмирлар саломатлиги тикланади. Маъданли шифобахш сув оёқ, бел оғриғига барҳам бериб, шомлашнинг олдини олади, асабни тинчлантиради. Шунингдек, шифобахш қум муолажаси ҳам беморларга маъқул бўлмоқда.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Таассуротлар бир олам

Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳомийлигида Когон шаҳри ва туманида яшовчи 100 нафар отахон онахоннинг Самарқанд шаҳрига сафари уюштирилди.

Регистрон меъморий мажмуаси, Шоҳизинда, Ғури Амир каби ноёб обидалар кексаларда кат-

та таассурот қолдирди. Улар Пайариқ туманида жойлашган Имом Бухорий қадимжосини ҳам зиёрат қилиб, юрт тинчлиги, турмуш фаровонлиги учун дуога қўл очдилар.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

NISSAN TIIDA
КОМФОРТ В ДВИЖЕНИИ

NISSAN TIIDA
Превосходная динамика и эlegantный просторный салон. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Безупречность в каждой детали. Особая атмосфера надежности, безопасности и комфорта.

SHIFT_lifestyle

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ
от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане — компании Premium Auto, ☎ 295 88 77:
цена от \$ 31 000*, гарантия — 2 года или 50 000 км пробега + ПОДАРОК.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шахридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қуриш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизда) техникалари ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шахрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Гувоҳнома №001178

УСТАНОВКА И РЕМОНТ КОНДИЦИОНЕРОВ

«ЗИМА-ЛЕТО»

СПЛИТ-СИСТЕМА

ПРОЕКТИРОВАНИЕ МОНТАЖ ПОСЛЕГАРАНТИЙНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ

Работаем по всей территории РУ

357-83-00, 128-04-02, 167-95-49

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси мусиқали театр санъати кафедрасининг катта ўқитувчиси

Абдусалим ҚОРАБОЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали» ДУК катта муҳаррири Урол Пардаевага отаси

САДАТ бобонинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси Маънавият-маърифат услубий маркази раҳбари Ҳамза Шодиева волидаи муҳтарамаси

ОЙСАРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Барча кирувчи алоқа — **БЕПУЛ!**

«Хуш келибсиз» тарифи

Ўзбекистон бўйича барча чиқувчи алоқа — \$0,02 (1 дақ. учун)

Абонент тўлови — \$0,1 нунига

«Хуш келибсиз» тариф режасига ўтиш учун *111*110# USSD-номанда рақамга кўнгиноқ қилиш керак (RED ва TIME абонентларидан ташқари)

МТС алоқа оператори

Хизматлар лицензияланган.

INTER-PRESS ОБУНА ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР 119-0000, 119-8383, 155-0955

Тошкент ш., Навоий к., 13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00

Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 8